

Эрнест Хемингуэй. Ёмғирда қолган мушук (ҳикоя)



Меҳмонхонада бор-йўғи икки нафар америкалик бор эди. Улар ўз хоналарига чиқиб кетаётганларида зинада учраган одамларнинг биронтасини танимасдилар. Уларнинг хонаси иккинчи қаватда жойлашган бўлиб, деразаларидан денгиз кўриниб турарди. Ундан ташқари одамлар дам оладиган боғ билан уруш қурбонлари хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик ҳам кўзга ташланарди. Боғда баланд-баланд пальмалар ўсар, бу дарахтларнинг тагида яшил ранг ўриндиқлар бор эди. Ҳаво очиқ кунлари у ерда доим бирон-бир мольбертли рассом ўтирган бўларди. Мусаввирларга пальмалар билан деразалари боғ ва денгизга қараган меҳмонхонанинг муҳташам кўриниши ёқарди. Италияликлар уруш қурбонлари хотираси учун ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилгани узоқ-узоқлардан келишарди. Бронзадан ишланган бу ҳайкал ёмғирда ялтиллади. Ёмғир ёғмоқда эди. Шаррос қуяётган ёмғир сувлари пальма япроқларидан шир-шир оқиб тушарди. Шағал тўшалган йўлчаларда халқоб-халқоб кўлмаклар ҳосил бўлганди. Ёмғир остида тўлқинлар узун тасма ҳосил қилиб қирғоққа бориб урилиб, парча-парча бўлиб сочилиб кетар, сўнг орқага қайтиб яна ёмғир остида олдинга югурар ҳамда қирғоққа тўш уриб осмонга сапчирди. Ёдгорликка яқин майдончада битта ҳам автомобиль йўқ эди. Рўпарадаги қаҳвахонанинг эшиги олдида турган официант аёл бўм-бўш майдондан кўз узмасди. Америкалик аёл ойнадан боғни томоша қиларди. Шундоққина деразалари тагида, ёмғир суви томчилаётган яшил стол остига бир мушук яшириниб олган эди. Жонивор баданига сув тушмасин учун ғужанак бўлиб олганди.

– Мен пастга тушиб мушукни олиб чиқаман, – деди америкалик аёл.

– Мен тушиб чиқа қолай, – деди караватда ётган эри.

– Йўқ, ўзим тушаман. Бечора! Ёмғирдан қочиб стол тагига кириб олганини-чи. Эри устма-уст қўйилган иккита ёстиққа суяниб олганча китоб ўқирди.

– Эҳтиёт бўл, ёмғирда қолиб ивиб юрмагин тагин, – деди у. Аёл зинадан тушиб, вестибюлдан ўтиб бораётганда. Меҳмонхонанинг хўжайини ўрнидан туриб аёлга таъзим қилди. У ўтирган хона вестибюлнинг нариги кунжагида жойлашган эди. Меҳмонхона хўжайини баланд бўйли мўйсафид эди.

– Il, piove^[1], – деди америкалик аёл.

У меҳмонхона хўжайинини ўзига яқин оларди.

– Si, si, хоним. Brutto tempo^[2]. Бугун ҳаво жуда чатоқ.

У кунжақтаги нимқоронғи хонанинг олдида турарди. У аёлга ёқар эди. Унга шикоятларини тинглаётган маҳал ўзини ҳаддан зиёд жиддий тутиши ёқарди. Унинг нуроний чехраси ёқар эди. Кўнглини топишга ҳаракат қилишларини яхши кўрарди. Меҳмонхона хўжайини деган номига сираям доғ туширмасликка интилиши ёқарди. Унинг қаримсиқ, вазмин юзи ва катта қўллар ёқар эди.

Шуларни кўнглидан кечирганча аёл кўча эшик ёнига борди. Эшикни очди-да, бошини чиқариб ҳовлига қаради. Ёмғир янаям кучайган. Резина плаш кийиб олган бир йигит бўм-бўш майдон бўйлаб қаҳвахона томон келарди. Мушук шу яқин атрофда, чамаси ўнг томонда бўлиши керак. Балки пештоқ остидан борса бўлар. Аёл остонадан энди чиқиб турганида бирдан ширқ этиб боши узра шамсия очилди. Унинг ортида хоналарини супуриб тозалайдиган ходима турарди.

– Ёмғирда ивиб юрманг яна, – деди у жилмайиб итальян тилида. Уни шак-шубҳасиз меҳмонхона хўжайини юборган.

Америкалик аёл боши узра шамсия кўтарган меҳмонхона ходимаси билан бирга деразалари тагидан ўтган йўлкадан юрди. Ёмғир ювган яшил стол жойида турибди, лекин мушук кўринмасди. Америкалик аёлнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ходима унга юзланди.

– Ha perduta, qualche cosa, хоним?^[3]

– Ҳозиргина шу стол тагида мушук турганди, – деди америкалик аёл.

– Мушук?

– Ҳа, ҳа, мушук. Si, il gatto^[4].

– Мушук? – ходима кулиб юборди. – Ёмғирда қолган мушукми?

– Ҳа, – деди америкалик аёл, – шу ерда – стол остида эди. Уни бирам кўтаргим, бирам эркалагим келувди.

Аёл инглиз тилида гапираётганида ходиманинг афти бужмаярди.

– Юринг, хоним, – деди у, – яхшиси, қайта қоламиз... Ивиб кетдингиз.

– Начора, юринг, – деди америкалик аёл.

Улар майда шағал тўшалган йўлка орқали изларига қайтишди ва бинонинг ичига киришди. Ходима соябонни ёпиш учун бўсағада қолди. Америкалик аёл вестибюлдан ўтиб бораётганда хонасида ўтирган padrone^[5] одати бўйича ўрнидан туриб, таъзим қилди. Аёлнинг беихтиёр ўпкаси тўлиб, томоғига бир нима тикилгандек бўлди. Padronени кўрганда у ўзини жуда ожиз, лекин айна чоқда ҳурмат-эътиборга лойиқ хонимлардек сезарди. Ҳозир эса бир зумга фавқулодда ҳурматга сазовор аёл эканини ҳис қилди. У зинапоядан аста-аста чиқиб, хоналарининг эшигини оҳиста очиб, ичкарига кирди.

Жорж ҳамон каравотда китоб ўқиб ётарди.

– Хўш, мушукни олиб келдингми? – деб сўради у китобдан бош кўтариб.

– У кетиб қопти.

– Қаёққа кетади? – деди Жорж.

Аёл каравот четига омонатгина ўтирди.

– Уни бирам эркалагим келувди! – деди у. – Негалигини ўзим ҳам билмайман, лекин бечора мушукни бағримга босиб бирам эркалагим келувди. Бунақа ёмғирда боёқиш қийналади.

Жорж яна ўқишга тутинди.

Аёл пардоз столи ёнига борди, тошойна қаршисига ўтирди ва ойнакни олиб аввал сўл, кейин ўнг томондан афт-ангорини кўзгуга солиб қаради.

Алоҳа энсаси билан бўйнини кўздан кечирди.

– Сочимни ўстирсам нима дейсан? – деб сўради у яна ён томондан ўзини кузатар экан.

Жорж бошини кўтариб, унинг қизалоқларникидек калта сочлари яширолмаган бўйнига тикилди.

– Менга шу туриши ёқади.

– Менинг эса жонимга тегиб кетди, – деди аёл. – Ўғил болага ўхшаб юриш шунақаям жонимга текканки...

Жорж нариги ёнбошига ўгирилди. Хотини гапира бошлагандан бери унга қараб ётар эди.

– Бугун жудаям бошқачасан, – деди у.

Аёл ойнакни столга қўйиб дераза олдида борди-да, боғни кузата бошлади. Қош қорайган эди.

– Сочимни йиғиб, турмаклаб олгим келаяпти, қанийди силлиқ қилиб тарасам, – деди у, – кейин, мушугим бўлишини хоҳлайман, силаётганимда тиззамда хур-хур қилиб ётса...

– Их-ҳм, – деб томоқ қириб қўйди Жорж.

– Кейин ўзимнинг уйимда, столимда овқат ейишни истайман, қошиқ-санчқилар ўзимники бўлса, шамдонларда шам ёниб турса. Баҳор келишини истайман, тошойна олдида сочимни тараб ўтирсам дейман, ўзимнинг мушугим бўлишини истайман, янги қўйлак олиб кийгим келаяпти...

– Бўлди-е! Китоб ўқи ундан кўра! – деди Жорж. У яна ўқишга тутинди.

Аёл деразадан қаради. Қоронғилик куюқлашиб, пальма япроқлари аро ёмғир шовиллаб ёғарди.

– Нима бўлган тақдирда ҳам, мушукни эркалаб ўтиргим келаяпти, – деди аёл. – Менга ҳозироқ мушук керак. Сочларимни узун қилиб ўстиришнинг, хурсандчилик қилишнинг иложи бўлмаса, лоақал мушук олиб келиш мумкинми?!

Жорж унинг гапларини эшитмади. У китобга муккасидан кетганди. Аёл деразадан чироқлар ёнаётган майдончага қаради.

Эшик тақиллади.

– Avanti^[6], – деди Жорж. У китобдан бошини кўтарди.

Остонада бояги ходима кўринди. У каттакон ола-була мушукни бағрига маҳкам босганча турарди.

– Афв этасиз, – деди у. – Хонимга буни радроне бериб юбордилар.

[1] О, ёмғир ёғаяпти (итальян.).

[2] Ҳа, ҳа, хоним. Ҳаво расво жуда ҳам (итальян.).

[3] Бирор нима қидиряпсизми, хоним? (итальян.).

[4] Ҳа, шундай, мушук. (итальян.).

[5] Хўжайин. Меҳмонхона хўжайини маъносида. (тарж.).

[6] Кириг, киравериг (итальян.).



ЁМҒИРДА ҚОЛГАН МУШУК

Меҳмонхона олдига келиб тушган америкаликлар атига иккитагина киши эди: эр-хотин муҳожирлар. Улар ўз хоналари томон йўл олишар экан, йўлларида, зиналарда учратган одамларидан ҳеч қайсисини танимадилар. Муҳожирларнинг кўм-кўк денгиз томон юз тутган хонаси иккинчи қаватда жойлашганди. Яна катта боғ билан битта уруш ёдгорлиги ҳам хонага рўбарў ерда эди. Бу улкан боғ ичида ўсиб ётган баҳайбат пальма дарахтлари ҳамда йўлкалар четида ўрнатилган ўриндиқлар боғ кўркига янада кўрк бағишлаб турарди. Ҳаво соз бўлган чоғлар бу ерда кичкинагина кўргазма стендини кўтариб олган қандайдир рассом пайдо бўлиб қоларди. Осмонга беҳадик бўй чўзиб кетган салобатли пальма виқори ҳамда бепоён боғ билан денгизга юзланиб турган меҳмонхона биносининг ярқироқ ранглари бу рассомга жуда манзур бўларди. Бояги уруш ёдгорлигини томоша қилиш учун ҳам бу ерга узоқ-яқиндан кўплаб италияликлар келиб туришарди. Ҳайкал бронзадан ишланган бўлиб, ёмғир остида у янада ярқираб кўринарди. Айни чоғда ҳаво тунд, шаррос ёмғир қуярди. Пальма япроқлари учидан ҳам ёмғир томчилари бир-бир томчилаб тушарди. Боғдаги шағал йўлак узра ёмғир сувлари катта-кичик ҳалқоблар ҳосил қилганди. Бир томондан чексиз денгиз бетаскин тўлғониб ётар, жала остида қолган асов тўлқинлар дам ўриндиқларгача урилиб келар, дам ўтмай шаштларидан қайтиб, тагин ортга чекиниб кетишарди. Уруш ёдгорлиги ёнидаги майдон ичида турган турли сайёҳларнинг енгил машиналари ҳам бир зумда бу ерни тарк этиб жўнаб кетишди. Майдон четидаги қандайдир кафе остонасида пайдо бўлиб қолган битта официант кимсасиз қолган майдон сатҳи узра термулганча туриб қолди. Шу пайт бояги америкалик муҳожир аёл ҳам деразадан ташқарини кузатиб турарди. Ташқарида, шундоққина дераза тагида эса қаёқдандир келиб қолган кичкинагина бир мушук ўша ерда турган битта яшил стол остида шумшайганча чўккалаб ўтирарди. Жонивор шалаббо бўлмаслик учун зўр бериб ғужанак бўлиб олишга уринарди. “Мен пастга тушиб, анави мушукчани олиб чиқаман”, — деб қолди аёл бирдан. “Мен олиб чиқа қолай”, — дея таклиф қилди каравотида ётган эри. “Йўқ-йўқ, ўзим. Бечора мушукча ёмғирдан қочиб, стол тагига ўтирволибди-да, шўрлик ўзини қуруқ сақлашга чунонам ҳаракат қияптики!” Эри индамай каравотнинг оёқ томонидаги бир жуфт ёстиқ устига ястаниб олганча яна китоб ўқишда давом этди. “Ўзинг биласан, фақат ивиб кетмагин”, — деб қолди у хотинининг орқасидан.

Аёл пастга тушиши билан меҳмонхона хўжайини у ёнидан ўтиб кетаётган вақтда хонимга бош эгиб таъзим қилди. Хўжайиннинг иш столи меҳмонхонанинг энг узоқ бурчагида жойлашганди. У новча бўйли, ёши ўтинқираб қолган бир эркак эди. “Ҳозир бу ишни қандай уддалаганимни кўрасизлар”, — деб ҳовлиқди аёл хўжайинга қараб қўйиб, негаки меҳмонхона соҳиби хонимга бир кўришдаёқ маъқул бўлганди. “Si, sì, signora, brutto tempo*(1) Бунақа об-ҳавода ташқарига чиқиб бўлмайди ахир”. Хўжайин дим хонанинг бир бурчагидаги столи ортида жавраганча қолиб кетаверди. Хоним унинг гапига қулоқ осмасдан югурганча ташқарига чиқиб кетди. Шундай бўлса-да унга хўжайин ёқиб қолганди. Аёлга меҳмонхона эгасининг ҳар қандай шикоят нуқсонларни-да ўта жиддий равишда қабул қилиши ёқиб тушганди. У тагин эркакдаги салобатни ёқтирганди. Ундаги хонимга бўлган мулозаматни ёқтирганди. Ҳаттоки аёл хўжайиндаги меҳмонхона соҳиби бўлишлик ғурурини ҳам ёқтириб қолганди. Яна эркакнинг қари, семиз юзи билан баҳайбат қўлларига аёлни кўнглига ўтириб қолганди.

Меҳмонхона эгасидан мамнун бўлган ҳолда аёл эшикни зарб билан очди-ю, ташқарига қараб қолди. Ёмғир янаям авж олган эди. Чарм ёмғирпўшига маҳкам ўраниб олган бир эркак кафе томонга қараб бўм-бўш майдонни шошилганча кесиб ўтди. Ҳалиги мушук шу атрофда, тахминан ўнг тарафда бўлиши керак. Эҳтимол бечорагина биронта ўсимлик остида ғуж бўлиб ўтиргандир. Хоним ҳамон остонада қадалиб турар экан, боши устида соябон очилганини пайқади. Орқасида уларнинг хонасига хизмат кўрсатувчи оқсоч аёл соябон кўтариб турарди.

“Сиз ивиб кетмаслигиниз керак”, — деб жилмайди у итальянча сўзлаб. Шубҳасиз, оқсочни меҳмонхона эгаси юборган эди. Хоним боши узра соябонни тутиб турган шу оқсоч билан то ўзининг деразаси остига етиб келгунича шағал йўлакча бўйлаб бирга кетишди. Ўша яшил стол ҳамон шу ерда турар, у ёмғирда ювилиб, яна-да яшил тусда жилоланарди, аммо унинг тагидаги мушук шу тобда қаёққадир ғойиб бўлганди. Хоним бирдан маъюс тортди. Оқсоч аёлга хавотирланиб қараб қўйди:

“На perduto qualche cosa, Signora?”* (2) – дея аста сўради у.

“Анави ерда мушук бор эди”, — деди базўр америкалик хоним.

“Мушук”.

“Si, il gatto”* (3)

“Вой, мушук дейсизми?” – оқсоч қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. “Ёмғирда қолган мушук?”

“Ҳа”, — деди хоним ғамгин, “анави стол тагида ўтирганди”. Кейин у тўсатдан инграб юборди. “О, мен уни шунчалар хоҳлаган эдимки! Ўша мушукчани шунақаям истовдимки — ” Аёл қаттиқ афсусланганча инглизчалаб гапирар, оқсоч эса унинг ниятини тушуна олмай ҳадеб юзини тириштирарди.

“Юра қолинг, сеньора”, — деди у. “Ичкарига киришимиз керак. Ахир ивиб кетасиз”.

“Ҳа, бошқа иложимиз ҳам йўқ”, — деди америкалик аёл ночор.

Улар яна шағал йўлакча узра ортларига қайтиб, эшикдан кириб кетдилар. Оқсоч соябонни йиғиб олиш учун бир дақиқа ташқарида қолди. Инглиз хоним ёнидан ўтиб кетаётган онда меҳмонхона соҳиби унга аввалгидай таъзим қилиб қўйди. Лекин бу сафар аёлга унинг қилиғи эриш туюлиб кетди. Шу билан бирга хўжайиннинг бу одати ёш хонимга боягина қилмоқчи бўлган ишининг нечоғлик арзимас ва айни пайтда

ғоятда муҳим бурч эканлигини англатиб юборди. Аёл энг катта аҳамиятга эга бўлган кичкинагина яхшилиқни ҳам эплаб амалга ошира олмагани учун бир лаҳза кўнгли чўкиб туриб қолди.

Инглиз тилидан Қандилат Юсупова таржимаси

Изоҳлар:

- * 1 – “Лекин сеньора, ҳавонинг авзойи бузуқ”. (итальян.)
- * 2 — “Бирор нарсангизни йўқотиб қўйдингизми, хоним?”
- * 3 — “Ҳа, ҳа, мушук бор эди”.



ЁМҒИРДА ҚОЛГАН МУШУК

Меҳмонхонада ажнабийлардан фақат икки кишигина бор эди. Эр-хотин америкаликлар. Уларнинг хонаси иккинчи қаватда жойлашган, бу ерда деразадан денгиз шундайгина кўзга ташланар, берироқда кўркамгина боғ ва уруш қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган ҳайкал ҳам ястаниб турарди. Боғда пальмалар бўй чўзиб турар, яшил скамейкалар қатор тизилганди. Осмон қовоқ-тумшуқ қилмаган кезлар бу ерда, албатта бирорта рассомга дуч келиш мумкин эди. Рассомга пальмалар, меҳмонхонанинг жилваланган пештоқи ва жаннатни эслатувчи мана шу боғ илҳом берса керак-да.

Йироқ-йироқлардан италияликлар атайлаб ҳайкални томоша қилиш учун келишарди. Ҳайкал бронзадан ясалган, ёмғирда жилоланиб, ўзидан нур таратарди. Мана ҳозир ҳам ёмғир шаррос қуяпти. Пальма япроқларидан томчилар тушяпти. Аллақачон йўлакларда ҳалқоблар юзага келган. Бу пайт денгизга ҳам куч иниб, пишқирар, тўлқинланар, қирғоққа сув тошиб чиқарди.

Майдончадаги ҳайкал олдида бир зоғ ҳам йўқ. Рўпарадаги қаҳвахона эшиги олдида официант сувга бўккан боққа қараб турибди. Шу дамда америкалик хоним ҳам хонасидаги дераза ортидан боғга назар ташлаяпти. Бирдан унинг нигоҳи сергак тортди. Боғдаги скамейкалардан бирида аллақандай мушук яшириниб олган экан. Хонимнинг юрагига олов тушди: «Бечора, ивиб қоладику?»

-Мен пастга тушиб, мушукни опкеламан, -деди у бирдан босар тусарини билмай.

-Ўзим бораман,- деди эри кроватдан жилмай.

-Йўқ, ўзим. Бечора жонивор. Ёмғирдан кўрқиб, стол тагига биқиниб опти.

Жаноб энди оёқларини чўзиб, ёстиққа суяниб олди, китобдан кўз узмай мингчиллади:

-Ўзингниям шалаббонг чиқмасин тагин.

Хоним зиналар ёқалаб ҳовлиққанча пастга тушди. Йўлак бўйлаб юргач, катта даҳлизга ўтди. Эшик олдида меҳмонхона хўжаси ўтирган экан. Хонимга кўзи тушган заҳот дик этиб ўрнидан туриб, унга ним таъзим қилган бўлди.

Меҳмонхона хўжаси баланд бўйли, тетик чол эди.

-li prove (ёмғир ҳалиям ёғяптими?, италянча),-сўради хоним.

-Si, si, signora, brutto tempo(Ҳа, ҳа, хоним, челақлаб қуяпти ўзиям, италянча).

Қариянинг бўлмаси шу даҳлиз бурчагида жойлашганди. У ўтиб-қайтаётганларни

назорат қилиб, зимдан кузатиб турарди. Мана хонимни учратдию, ўй-хаёллари асфаласофилинга қараб учди кетди. Хонимга қариянинг юзидаги илиқлик, ҳурмат-эҳтиром, абжирлиги кўнглига ёқиб тушди. Айниқса, унинг истаралилиги, қўлларини кўксига босиб илтифот қилишини айтмайсизми?

Хоним аллақандай илиқ ҳисларга тўлиб-тошиб, эшик тутқичига қўл узатди.

У ташқарига бўйлаганда ёмғир чунонам савалардики, бояқишнинг эсхонаси чиқаёзди. Ташқари ҳувиллаган даштдай кимсасиз эди. Бир пайт ёмғирпўшига бурканиб олган эркак қаҳвахона томон чопқиллаб ўтди.

Хонимнинг юраги бежо ура бошлади: «Мушук шу атрофда бўлса керак».

Боғ томонга ўтишнинг сираям иложи йўқ. Икки қадам юрмай одамнинг шалаббоси чиқади.

Хоним бўсағада ўйга ботиб турганди, туйқус боши узра шарақ этиб соябон қанотлари ёйилди. Ортига ўгирилса, хонасини тозалаб-йиғиштириб юрадиган фаррош аёл турган экан.

-Ёмғир ювиб кетмасин сизни,-жилмайди у италян лаҳжасида сўз қотиб.

Бу хизматкорни меҳмонхона хўжаси юборганини хоним фаҳмлади.

Соябон остида икков мушук яширинган скамейка олдида келишди. Хоним энкайиб, ўтиргич тагига қаради ва шу заҳот таъби тирриқ бўлди.

-На,perduta qualche casa,signora?(Сиз, бирор нарсангизни йўқотувдингизми, синьора, италянча)

-Si, il qatto(Ҳа, мушук, италянча)

-Мушук,-фаррош кулиб юборди.-Шу ёмғирда-я?

-Ҳа,-деди хоним,- мана шу скамейка тагига биқиниб олганди,-кейин қўшиб қўйди:уни бағримга босишни шудай истовдимки...

Хоним бу иборан инглизча айтганда, хизматкорнинг юзи таранглашиб, жиддий тортди.

-Юринг, сеньора,-деди у,- қайтамиз. Бу ерда ивиб кетишимиз мумкин.

-Ҳа, илож қанча,- юзлари маъюс тортди хонимнинг.

Улар тагин ортга қайтишди. Шағал ётқизилган йўлак бўйлаб юриб бориб уйга киришди. Фаррош эшик олдида тўхтаб, соябонни бўшаттирди-да, сўнг липиллаб остонадан ичкарига кириб кетди.

Америкалик хоним даҳлизда яна меҳмонхона хўжасига дуч келди. У аввалгидек эъзоз билан ним таъзим қилди. Шу тоб аёлнинг қаеридир симиллагандек бўлди. Ўзини бу одам олдида шунчалар ожиз ҳис қилдики...

Хоним абгор ҳолатда зиналар тутқичини ушлаб тепага кўтарилди. Хона эшигини очиб, ичкари йўналди. Эри-Жорж китобга муккасидан кетган экан. Ўша ҳолича ўтирибди қилт этмай.

-Хўш, мушукни опкелдингми?-сўради у китобдан бошини кўтариб.

-Кетиб қолган экан.

-Қаерга кетиши мумкин, -деди Жорж бир лаҳза хотинига нигоҳ қадаб.

Хоним кроват четига оҳиста чўқди.

-Шу қадар истовдимки,- деди у аламзадалик билан,-жониворни уйимизга опкелишни шу қадар истовдимки, бечора, қаерларда санғиб юрганийкин, шу ёмғирда?

Жорж тагин китобга нигоҳини бурди.

Хоним хўрсиниб, қад ростлади. Судралиб тошойна олдида борди. Кўзгуга боқиб,

ўзига синчиклаб зеҳн қўйди. Аввал у томонига, кейин бу томонига ўгирилиб қаради. Оппоқ, силлиқ юзлари, энсасини сийпалади.

-Сочимни энди ўстириб юборсаммикин, нима дейсан?-ён томонига ўгирилиб маслаҳат сўради эридан.

Жорж яна китобдан кўзларини узиб, хотинининг ўғил болалардек калта қирқилган сочига қаради.

-Менга ҳозиргиси маъқул.

-Жонга тегди,- жиғибийрони чиқди хонимнинг,- ўғил болага ўхшаб юриш жонимга тегди.

Жорж хотинининг кўнглини аврашга уринди.

-Сен бугун шунчалар очилиб кетгансанки...

Хоним бу гапга парво қилмади, кўзгу олдидан силжиб, деразага яқинлашди.

Бир зумда тун чўкибди. У деразадан нигоҳини узмай юраги аллақандай ширин орзуларга тўлиб-тошиб, жаврай кетди:

-Бир тутам сочим бўлишини, яна у силлиқ бўлишини истардим, яна гажакларим ҳалқадай осилиб турса, қўл текканида юраккинанг эрииб кетса...

-Яна нималар хоҳлайсан,-минғирлади эри.

-Янами? Яна... ўз мушугим бўлишини. Оҳ, тиззанга олиб, юнгларини силаб-сийпалаб ўтирсанг, мазза-ку?!

-Мм,-нимадир томоғига тикилгудек бўлди Жоржнинг.

-Яна... ўз столимда овқатланишни, қошиқ ва санчқилар ялтиллаб туришини истайман. Яна шамлар шуъла таратса. Яна атрофда баҳор таралиб турса, яна кўзгу олдида узун сочларимни тараб туришни, яна беозоргина мушукни, яна янги сотиб олинган қўйлак, яна...

-Бас,-қичқириб юборди Жорж қовоқ-тумшуғини осилтириб, сўнг яна жимгина мутолаага шўнғиб кетди.

Хоним ҳамон дераза олдида қадалиб турарди.

Тун қуюқлашган, ёмғир тинган, аммо пальма япроқларидан томчилар чакиллаб томиб тушарди.

-Майли, бу нарсалар керакмас, фақат мушук. Лоақал шуни иложи бордир...

Жоржнинг қулоқларига гап кирмади гўё. У китобдан узилмасди. Хоним нигоҳини деразага тиккан, пастдаги гулхан ёлқини диққатини ўғирлаганди.

Шу дам эшик тақиллаб қолди.

-Avanti(Кираверинг, италянча),-такаллуф қилди Жорж, ниҳоят китобдан нигоҳини оларкан.

Эшик очилгач, ғамхўр фаррош кўринди. Қўйнида катта чипор мушук, маҳкам босиб турибди.

-Кечирасиз,-мулойимлик билан деди у,- мана буни хўжайин сеньорага бериб юбордилар.

Умид Али таржимаси